



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УОШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 8 август, жума № 122 (1547)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

САМАРҚАНД, 6 август (Уза махсус мухбирлари Анвар Бобоев, Акбар Каршиев).


**Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин амалий таширф билан Ўзбекистонга келди. Самарқанд аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.**

Шаҳардаги қароргоҳда Президентларнинг яқма-яқма суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли, ҳамкорлик истикболлари, томонларни қизиқтирган халқаро масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Россия томони Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоҳида эътибор билан қарайди. Мамлакатларимиз икки томонлама асосда ҳамкорликни ривожлантириш барибара, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби тузилмалар доирасида ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириб, хавфсизлик борасидаги саяё-харакатларни мувофиқлаштириб келмоқда.

Владимир Путин, Россия ҳукумати раҳбар бўлган кезлари ҳам, Президент сифатида ҳам илк хорижий сафарларини Ўзбекистондан бошлаган. Бу унинг юртимизга учинчи таширфи. В.Путиннинг ташаббуси билан Президент Ислам Каримовнинг 2001 йилнинг майдаги Россия сафарига давлат таширфи мақоми берилган эди. Бундай самимиёт ва эътибор икки мамлакатнинг бир-бири билан ҳамкорликка интилиши кучли эканлигига яна бир далил бўлди.

Ўзбекистон-Россия савдо-иқтисодий алоқаларидан



ҳам ҳамкорлик даражаси ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Россия Ўзбекистоннинг асосий ташқи савдо шерикларидан биридир. Лекин Президентлар икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми имкониятларимиз даражасида эмаслигини таъкидлади. Ўзбекистон ва Россиянинг қатор халқаро масалаларга муносабати яқин ёки ўхшаш. Халқаро террорчилик, диний экстремизм, наркотик моддалар ва курул-ярғок контрабандаси каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши кураш борасида томонлар ҳамжиҳатлик билан иш юритиб келмоқда.

Президентлар журналистлар билан учрашувда бу галги музокара ҳам жуда кенг қамровли бўлганини таъкидлади. Ислам Каримовнинг айтишича, суҳбатнинг бирор мавзусини устувор этиб белгилаш қийин бўлса-да, уни асосан икки қисмга бўлиш мумкин. Аввало, табиийки, иқтисодий муносабатлар юзасидан бафуржа фикр алмашилган. Хусусан, нефт-газ соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи муҳима этилган.

Маълумки, ўтган йилнинг декабрида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Россиянинг «Газпром» очик турдаги акционерлик жамияти ўртасида «Газ соҳасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланган эди. Унга биноан Ўзбекистондан йирик ҳажмда газ экспорт қилинади. Президентлар бу соҳадаги ҳамкорликни сифат ва ҳажм жиҳатидан янги поғонага кўтаришга келишиб олганини маълум қилди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин тўқимачилик, энергетика машинасозлиги, сув ҳужалиги каби соҳаларни ҳам ҳамкорликнинг устувор йўналишига айлантириш имкониятлари кўпчилиги таъкидлади. Масалан, Россия тўқимачилик корхоналари Ўзбекистон пахтасини бевосита олмайдди. Шу боис, бу борада ишбилармонларга кулай шарт-шароит яратишга келишиб олинди.

Ислам Каримовнинг билдиришича, мулоқот давомида икки томонлама манфаатли кўплаб келишувларга эришилган. Ҳукуматлараро кўшма комиссия мажлисида Президентлар келишувларини ҳаётга таъбиқ этишнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Владимир Путиннинг айтишича, ўзаро ҳамкорликдан иккала мамлакат халқлари учун ҳам манфаатдорлик мавжуд. Ҳукуматлараро кўшма комиссия эса ана шундай сиёсатни амалиётга таъбиқ этишнинг муҳим бўғинига айланиши керак. Унинг зиммасига юқланган вазифаларни, умумий қилиб, икки қисмга бўлиш мумкин.

Аввало, икки мамлакатнинг ҳам тегишли қонун ҳужжатлари яна бир бор теран таҳлил этилиб, ўзаро мувофиқлаштирилиши керак. Қолаверса, комиссия ҳужжали субъектларнинг лоббистига айланиши, яъни, ҳукуматлар олдида улар манфаатларининг ҳақиқий ҳимоясига айланиши зарур. Шунда унинг фаолияти қутулган натижа беради.

Владимир Путин Ислам Каримов ҳамроҳлигида қадим Самарқанддаги тарихий обидаларни - Гўри Амир мақбараси, Регистон мажмуи ва Улугбек расадхонасини томоғига қилди. Рус православ черковиди бўлди.

- Самарқандга биринчи марта келишим, - деди Россия Президенти. - Шаҳарнинг тарихий обидалари гоёт ҳайратланарли, бетакрор. Ниҳоятда бой таассурот билан қайтмоқдам.

Шу билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга таширфи ниҳоясига етди. (Уза)

## ЎЗБЕКИСТОН ГАЛЛАКОРЛАРИГА

Азиз дўстлар! Сиз, лафзи ҳалол деҳқонларимизнинг йил бўйи белни маҳкам боғлаб қилган фидокорона меҳнатингиз туфайли мамлакатимизда илк бор 5 миллион 100 минг тонна дон ҳосили етиштирилиб, галлачилик соҳасида тарихий маррага эришилди.

Мен барчамизга гурур ва ифтихор бахш этадиган мана шу меҳнат галабаси билан, аввало, галлакорларимизни, қишлоқ ҳужалиги соҳаси меҳнатқашларини, бутун халқимизни чин дилдан самимий табриқлайман. Қўлга киритилган бу улкан ютуқнинг моҳияти ва аҳамиятини таъсирчан эътибор билан 1990-1991 йилларда республикамиз бўйича ўртача 940 минг тонна галла йиғиб олинганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Айниқса, бу йилги мавсумда республикамиз бўйича суғориладиган майдонлардан ўртача 44 центнердан, Андижон вилоятида 75,1, Самарқанд вилоятида 53,2, Наманган ва Фарғона вилоятларида қарийб 50 центнердан ҳосил олингани Ўзбек деҳқонининг нималарга қодирлигини яққол намойиш этиб турибди.

Бу беқиёс зафар халқимиз ризқ-рўзини бутун қилиш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бундан бир неча йил аввал ўзимизга белгилаб олган йўлимизнинг нечоғли тўғри эканини яна бир бор кўрсатади. Бунинг замирида кўп-кўп оминлар қатори одамларимизнинг ерга, мулкага бўлган муносабати, эгаллик ҳиссиёти тубдан ўзгариб, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғуси кучайиб бораётгани мўжассам, десак, асло хато бўлмайдди.

Айни вақтда қишлоқ ҳужалиги, хусусан, галлачилик соҳасида уруғчиликка алоҳида эътибор қаратиш, илғор агротехнологияларни кенг жорий этиш, моддий манфаатдорлик ва рағбатлантириш механизмларини янада такомиллаштириш, ҳужалиқлар билан тайёрловчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида шартнома интизомини мустаҳкамлаш масалаларида олдимизда қатор вазифалар турганини ҳам унутмаслигимиз даркор.

Мен ўзбек деҳқончилиги мактабига хос энг яхши анъаналарни давом эттириб, бойитиб келаётган қишлоқ меҳнатқашлари ушбу ҳужалик йилида бошқа соҳаларда ҳам янги-янги муваффақиятларни қўлга киритишларига тилак дошман.

Бугунги қувончи кунда галлакорларимизга, моҳир механизатор ва комбайнчиларга, ишбилармон фермерларимизга, барча туман ва вилоятлар раҳбарларига мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва қудратини ошириш, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилаш йўлида сийқидилан қилаётган меҳнатлари учун чин қалбидан самимий миннатдорлик ихроқ этаман.

Сизларга ва оила аъзоларингизга ҳамиша сийҳат-саломатлик, бахт ва саодат, ишларингизда омад ёр бўлишини тилайман. Меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим!

Ислам КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

## ЎЗ ДОНИМИЗ — ШИРИН НОНИМИЗ

Бу йил мамлакатимиз далавларидан 5 миллион 100 минг тонна галла йиғиштирилиб олинди. Ушбу улкан галаба деҳқонларимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг 12 йиллигига муносиб тўғрисида Президентимиз Ислам Каримовнинг шу муносабат билан юртимиз галлакорларига йўлаган табриғидан бу беқиёс зафар халқимиз ризқ-рўзини бутун қилиш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бундан бир неча йил аввал белгилаб олган йўлимизнинг нечоғли тўғри эканлиги алоҳида таъкидланган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ҳужалиқларида 60-65 центнердан хирмон кўтарилди. Наманган туманидаги «Абду-банно» фермер ҳужалиги 10 гектар майдоннинг ҳар бир гектаридан 105 центнердан ҳосил олиб, фермер ҳужалиқлари ўртасида биринчилар қаторида галаба наъшидасини сурди. А.Отахонов, Т.Темиров, К.Солиев, А.Мақамова, К.Умаров, Н.Зиётов, У.Абдуқадиров ва бошқа ўнлаб пудратчилар 85-108 центнердан ҳосил қўтариб, умумқолашга муносиб ҳисса қўдилар.

Ҳужалиқларда деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини тобора ошириш барча раҳбар мутахассисларнинг диққат марказида бўлмоқда. Галла тайёрлаш режасини ортиги билан бажарган оилавий пудратчиларга тегишли дон тарқатилмоқда. Анорхон Каримовнинг ҳовлисига оз эмас, кўп эмас, 24 тоннадан ортик бугдой туширилди. Чўки у 14 гектарлик экин майдонининг ҳар гектаридан 70 центнердан ошириб ҳосил олди. «Норин» ширкат ҳужалиғидики А.Омонов, С.Толипов зришдилар. Айни пайтда деҳқонлар қолган майдонлардаги ҳосилни тез қўнларда саранжомлаб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шунингдек, вилоятда келгуси йил ҳосили учун 19,5 минг тонна юқори сифатли сара уруғ тайёрланди. Галлачиликдан қарийб 21,8 миллиард сўм даромад олинди, соҳанинг рентабеллик даражаси 34 фоизга етказилиши мўлжалланмоқда. 140 минг тоннадан зиёд галла аҳоли эҳтиёжлари учун қолдирилди. Эришилган бу ютуқлар қишлоқ ҳужалиғида иқтисодий илҳотларнинг жадаллашганини, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги, ерга, мулкага эгаллик ҳисси ошганини, замонавий усуллар соҳага изчил жорий этилаётганлиги натижасидир.

Бу йилги об-ҳаво инжиқликларига қарамай, деҳқонлар асло даражада иш ташкил қилдилар. Чортоқ туманидаги «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкат ҳужалиғи ҳар гектар майдонидан 76 центнердан, Учкўрғон туманидаги «Ўзбекистон», «Кўйга», Наманган туманидаги «Хонобод», Тўрақўрғон туманидаги «Олтин водий» ширкат

Соҳиба АБЗАМОВА, «Ишонч» мухбири

## ЛИНИЯ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Истиклолимизнинг 12 йиллик тўй арафасида «Асташ» Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонасида ўзига хос технологик линия ишга туширилди. Ушбу линиянинг ўзига хос томони шундаки, унда замонавий технологиялар асосида опқа, бироқ пишқик картон галтаклар, турли диаметр ва ҳамдаги цилиндрлар тайёрлаш мумкин. Бюртмачининг истаги тез ва ўз вақтида бажарилади.

«Асташ» кўшма корхонаси аслида тўқимачилик корхоналари учун махсус картон конусларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ушбу конусларга кейинчалик тўқимачилик саноатида фойдаланиладиган ип уради. Кўшма корхона ўз махсуслигини фақат маҳаллий хомашдан тайёрлайди. Германиядан келтирилган бешта узлуксиз ишлайдиган линия бир ойда икки миллионга яқин ана шундай конусларни ишлаб чиқариш имконини беради. Ҳаммаси эҳтиёжга боғлиқ. Агарда ушбу махсуслиқ талаб ошса, ишни икки, уч сменада ташкил қилиб, кўп миқдорда махсуслиқ тайёрлаш мумкин.

Янги ускуна янгича ёндашуви талаб қилади. «Асташ»да ёшларни ишлаб чиқаришдан ажратмаган ҳолда ўқитиш ташкил этилган. Улар янги ускунани батафсил ўрганиди, машгулотларда техника ҳафсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Корхонада бошқа тадбиркорлар ўрганса арангулик нарсалар кўп.

- Мақсадимиз фақат олдинга интилиш, - дейди кўшма корхона бош директори Ж.Содиқов. - Ватанимиз мустақиллиги байрами арафасида Ўзбекистон раънақига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз. (Уза)

## БАЙРАМГА ТАРАДДУД

Уйчи туман маданият бўлими ходимлари ҳам республикамиз мустақиллигининг ўн икки йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизгин тайёрлик кўрмоқда. Маданият саройи қошидаги «Тарона» дастаси ва бадий ҳаваскорлар гуруҳи ҳамкорликда махсус дастур тайёрлашмоқда.

Туман кутубхоналарида «Ўзбекистон - мустақиллик йилларида» мавзусида китоблар кўргазмаси намойиш этилмоқда. Яқинда туман ижодкорларининг «Эгаси бор юртинг эртаси бор» мавзусидаги шеърят кечаси ҳам ўтказилди. Маданият муассасаларида, меҳнат ва ўқув жамоаларида шу каби кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

## СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛМОҚДА

Тўрақўрғон туманида бунёд этилаётган «Кенгқўсой» селсув омборининг сатхи 400 гектар бўлган. Бу ерда узунлиги 1336 метр бўлган тупроқли тўғон, ҳар сонияда Шимоллий Фарғона каналига 30 кубометр, «Арғин» каналига 7,3 кубометр сув беришни иккита канал ҳамда янги сув омборига Катта Наманган канали узанидан ташлама ҳам қурилади.

Объектда бош пудратчи «Наманганиртаъмирқурилиш» бирлашмасига қарашли «1-Наманганирқурилиш» ОАЖ томонидан 2002 йил январ сийдан иш бошланган. Жамоа ҳозиргача 230 миллион сўмлик иш бажарди.

Бундай аҳволнинг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари бор. Истиклол йилларида вилоят шаҳар ва қишлоқларида кўплаб уй-жойлар, ишлаб чиқариш иншоотлари бунёд этилди. Қўшма корхоналар, савдо, коммунал маиший хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш шохобчалари сони кўпайиб, электр энергиясига бўлган талаб ва эҳтиёж ўсиб бормоқда.

Энергиядан тежаб-тергаб фойдаланиш, уни беҳуда исроф қилмаслик, электр қучини вақтида тўлаш иқтисодий илҳотларнинг ҳозирги бошқичида алоҳида аҳамиятга эга. Бирок юртимизнинг бебаҳо бойлигини

## МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Нукус шаҳрида халқ истеъмол моллари регионаллик марказининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бизнинг асосий мақсадимиз Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган халқ истеъмол моллари халқимизга таништириш ва уларни сотиб олишга ёрдам беришдан иборат, - деди марказ бошлиғи Саъде Мусаева. - Марказимизга «Файз холдинг», «Ўзбексавдо», «Ўзбекенгилсанот», «Ўзбек ипаги», «Ўзбек поймафали», «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари ва маҳаллий корхоналарнинг махсуслотлари қўйилган. Энди корхона раҳбарлари ва тадбиркорлари Тошкент шаҳри, вилоятларга бориб юрмасдан, шу ернинг ўзида шартнома тузишлари мумкин.

Шу куннинг ўзида қатор корхоналар саноат ва озик-овқат махсуслотлари бўйича шартномалар тузишди.

ридаги «Агросувканал» бошқармасида энергетиклардан катта қарздорлик юзага келганлигини қандай баҳолаш мумкин? П.Турсунов раҳбар бўлган 1-темир-бетон буюмлари заводининг 1 миллион 554 минг 503 сўм, Б.Раҳमतullaев бошчилик қилаётган 2-темир-бетон буюмлари

корхонасининг эса 4 миллион 821 минг 936 сўм қарзи бор. Бунинг сабаби битта. У ҳам бўлса оқорида номи тилга олинган ташкилотлар махсуслиқ ишлаб чиқариши камайиб юбориб, қарздорлик ботқоқидан чиқа олмапти. Масалан, Х.Эргашев раъислик қилаётган «Қаршиғўш» ҳиссадорлик жамияти 3 миллион 247 минг 773 сўмлик, вилоят «Сувоқова» идораси (бошлиғи У.Йўлдошев) 12 миллион 188 минг 456 сўмлик, ёғочга ишлов бериш корхонаси (раҳбари И.Юсупов) 2 миллион 316 минг сўмлик қарзини тўлашни пайсалга солиб қелаяпти.

«Энергия таъминоти шартномаси энергия билан таъминловчи ташкилот тармоқларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уланган энергия қуримаси, шунингдек, энергия истеъмолчини хисобга олиш ускуналари ва асосларни мавжуд бўлган истеъмолчи билан тузилди», деб ёзиб қўйилган. Тақдирлар шунини кўрсатиб турибди, электр хисоблагичлар урнатмаган истеъмолчилар билан шартномалар тузилган. Уларнинг кўпчилиги энергиядан хисоблагичсиз фойдаланиб юришибди. Пулини тўлашга келганда эса турли баҳонани рўқач қилишади.

## БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Шаҳрисабз туманининг Абу Райхон Беруний номидаги оромгоҳа болалар спортини ривожлантиришга бағишланган иллий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлод тарбияси бош вазифа сифатида белгилангани ҳақида гапирди. Жойларда амалга оширилаётган ишлар, ютуқ ва камчиликлар, галдаги вазифалар таҳлил қилинди. Анжуман иштирокчилари 2003-2005 йилларда Қашқадарёда қурилиши режалаштирилган спорт иншоотларининг манзиллий дастурини муҳокама этди.

## Масала кўндаланг қўйилади

Ташминотчилар билан истеъмолчилар ўртасида тузилган шартнома орқали узлуксиз электр энергияси етказиб берилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 469-моддаси

Қарши шаҳри Навоий кўчаси 63-уйда яшовчи Абдурахмонов, деган фуқаронинг қарзи 42 минг 733 сўмга етган. Хулқар кўчаси 7 «Б» уй 2-тор қучида яшовчи Икром Жумаев 31 минг сўмлик, «Қизил мачит» кўчаси 73-уйда истикомат қилувчи А.Саидов 15 минг 681 сўмлик қарзини тўлагани йўқ. Қарши тумани «Қаҳлак» қишлоғидан 3.Эшмуродовнинг қарзи 20 минг 780 сўм, «Потрон» қишлоғидан Т.Хусанов ва Ш.Ҳазратқулловларнинг қарздорлиги 21 минг сўмдан ошиб кетган.

Хулоса шунки, вилоят ва туман энергия таъминоти идоралари ходимлари «Олма пиш-огизмига туш» қабилида иш кўрмасликларига керак. Қишлоқ фуқаролари йиғинлари, жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда ўғринча фойдаланган энергия сарфини қайтариб, юзага келган қарздорликни бартараф этиш чора-тадбирларини қўришлари лозим.

Иззат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири

**Анджон туман ҳокимлигида ижтимоий ҳимояга муҳтож қишлоқларга ёрдам бериш, уларнинг турмуш шароитини яқшилаш бўлиб ўтди. Мақсад қариялар, боқувчисини йўқотган, яққа-ёлғизлар, ногиронларнинг турмушини яқшилаш, соғломлигини тиклаш, уларни фаол ҳаётга қайтариш.**

Шу ўринда ҳокимлик ҳузурида фаолият кўрсатган «Меҳр-муруват гуруҳи»нинг ишларини таъкидлаш жоиз. «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Оқсоқоллар кенгаши», «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлимининг вакиллари киритилган. Ҳимоядагиларга патронаж хизмати кўрсатиш сифати, тиббий апаратурани, ортопедия ускуналари, дори-дармон таъминоти, сиҳаттоҳларга юбориш масалалари ушбу гуруҳнинг маънавий ёрдамида мунтазам муҳофизат қилиб борилмоқда.

Яқинда гуруҳ «Хартум» қишлоғида яшовчи Жамолдин ака Тўраев хонадонига ташриф буюрди. Туман ҳокими Ҳасанбой Ҳасимов отахонга «Меҳр-муруват гуруҳи»нинг совғасини топшириб, бир пиёла чой устида дилдан гуруҳ бўлди. Фаоллар фахрийнинг пенсия таъминоти, соғлиги, озиқ-овқат таъминоти билан қизиқдилар. Шунингдек, гуруҳ аъзолари «Бутақора» қишлоғидаги «Муруват уйи»да умр гузаронлик қилаётган қариялар, ногиронлар билан учрашув ўтказди. Бу ерда 100 нафардан зиёд яққа-ёлғиз қариялар, ногиронлар қаровида. Яқинда жамоа ҳокимлик маблағи ҳисобида қурилган янги бинога кўчиб ўтган эди. Фаоллар ҳар бир мезбонни қимматбахш совғалар билан сийлади. Таркиб аъзолари хоналарни айланиб, ногиронларнинг яшаш шароити, дам олиши, даволаниши билан қизиқдилар. «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги

раиси Аъзамжон Тўрабоев «Муруват уйи»га кўрсатилаётган молиявий ёрдамини янада кучайтириш режалари ҳақида гапириб берди. Дарҳақиқат, «Муруват уйи»га туман ҳокимлигини кўмаги катта бўлган. Махсус қарор билан ширкат ҳўжаликлари қарияларни ўз оталиғига олган. Шу

**Биздан озод ва обод Ватан қолсин**


кувурлари тортиб келинди. «Темур қарат» спорт-соғломлаштириш клубининг ишга туширилиши ёшлар учун айни мuddо бўлди. Бу ерда қишлоқ йигит-қизлари спортнинг бир неча тури бўйича чинқиш мактабини ўтаётдилар. «Хартум», «Оқ ёр» қишлоқларидаги савдо-сотик, маиший хизмат шохобчаларидан иборат янги мажмуа миқоз-

тининг молиявий ҳолатини яқшилашда муҳим аҳамият касб этаётди. «Анджонполиэтил» «Ўзбек-Греция» кўша корхонаси плёнка остида пахта етиштиришда деҳқонларнинг жонига оро кирганлиги ҳаммага маълум. Газ ҳисоблагич ускуналари ишлаб чиқараётган Ўзбек-Корея кўша корхонаси маҳсулотларидан шу кунларда бутун мамлакат баҳраманд бўляпти. Утмишда қосиблар, хунармандлар дарвозани танбалаб, ичкарида чакмон тикиб, ёки бешик ясаб бозорларда яширинча тирикчилигини ўтказишарди. Тафтишчилар чакви билан не-не қўли гул устоздалар авахтада «ўтириб» чиқанларини ким билмайди, дейсиз. Истиклол туфайли ту-

**Йўлингизда гуллар очилсин**

боис отахонлар, онахонларнинг дастурхонидан гўштлик таомлар, қандолат маҳсулотлари, сўт-қатиқ узилмайди. Улар махсус автобусларда вақти-вақти билан вилоятнинг зиёратгоҳларига сайр қилиб турадилар. Санъаткорлар тез-тез ушбу даргоҳга қадам ранжида қилиб, мазмундор куй-қўшиқлари, ичкакузди хангомалари билан жамоани хушнуд эътаптилар.

Кейинги 2 йил мобайнида капитал қурилишга туманда 2 миллиард 734 миллион сўм сарфланди. Ёки 44 минг 190 квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Аҳоли хонадонларини газлаштириш бўлими тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳокимлигининг диққат марказида. Утган йили режадаги 15 километр ўрнига, салкам 30 километр масофага газ, 4 километр узунликда сув



ларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиляпти. Яқинда ишга туширилган «Шошилин» тиббий ёрдам маркази тиббий хизматидан аҳоли мамнун. Шунингдек, «Храбек» қишлоғида янги газ тақсимлаш иншооти барпо этилиб фойдаланишга топширилган. «зангори олов» таъминотидаги узилишларга чек қўйилди.

Муस्ताқиллик шарофати туфайли Анджон тумани билан хорж мамлакатлари ораси бир қадам бўлиб қолди. Ҳозирда худудда 8 та қўша корхона ишлаб турибди. Чет эл сармоясини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни янгилаш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш имконияти туғилди. Урта мактабдан бери, 2,2 минг нафар йигит-қиз қўша корхоналардан кўним топди. АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган «Анджонун», «Анджончун» кўша корхоналари бугунги кунда туман иқтисодий-

ларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиляпти. Яқинда ишга туширилган «Шошилин» тиббий ёрдам маркази тиббий хизматидан аҳоли мамнун. Шунингдек, «Храбек» қишлоғида янги газ тақсимлаш иншооти барпо этилиб фойдаланишга топширилган. «зангори олов» таъминотидаги узилишларга чек қўйилди.

Муस्ताқиллик шарофати туфайли Анджон тумани билан хорж мамлакатлари ораси бир қадам бўлиб қолди. Ҳозирда худудда 8 та қўша корхона ишлаб турибди. Чет эл сармоясини жалб қилиш орқали ишлаб чиқаришни янгилаш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш имконияти туғилди. Урта мактабдан бери, 2,2 минг нафар йигит-қиз қўша корхоналардан кўним топди. АҚШ билан ҳамкорликда ташкил этилган «Анджонун», «Анджончун» кўша корхоналари бугунги кунда туман иқтисодий-



**Наманган вилоятининг Қосоной туманидаги саноат корхоналари ўтган олти ойда 3 миллиард 168 миллион 104 минг сўмлик ҳаёқ истеъмол моллари ишлаб чиқарди ва 1 миллион 162 минг АҚШ долларини миқдордаги маҳсулотни экспорт қилди.**

**ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ**

Ички истеъмол бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш йўлидаги ҳаракатлар яхши самара бермоқда. Қосоной туманидаги саноат корхоналарининг истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш борасидаги ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Айни пайтда туманда 14 та саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

«Қосоной пойабзал фабрикаси» акциядорлик жамиятида бугунги кунда 18 хилдаги пойабзал маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхонада 2001 йилда 199 миллион 822 минг сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 214 миллион 303 минг сўмни ташкил этди. Корхонада барча ўлчамдаги ўғил ва қиз болалар учун кроссовкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлиги қўшимча 20 та иш ўрини яратди.

«Қосоной текстил» акциядорлик корхонасида саккиз хилдаги сочиклар, болалар курткалари ишлаб чиқарилмоқда. Деда жамият бошқарув раиси Баҳодир Тожатов. - Иш уч сменада ташкил қилиниб, ҳозирда 300 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди. Утган олти ойда 160 миллион сўмлик ҳаёқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Россия, Туркия давлатларидаги ҳамкорлар билан тузилган шартномага кўра, тўрт хилдаги момиқ сочиклар экспорт қилинмоқда.

**МАҲАЛЛА ГУЗАРИ**

қилади. Маҳаллага қўшилган ҳисса унинг жамият фаровонлиғига қўшган ҳиссаси ҳисобланади. Бунёд этилган маҳалла гузарлари ва савдо маркази маҳалладошларимизга истиклолимий шодонларини муносибати билан ажойиб байрам тўғриси бўлди. Э. Турсуновнинг таъкидлашича, гузар ва савдо расталари, озиқ-овқат дўкони ҳамда нон маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар қурилиб ободлаштирилган жойлар илгари ташландик ҳолатда бўлган эди.

Маҳалладаги қарияларнинг қувончи чексиз, барча қулайликларга эга оталар чойхонаси улар ихтиёрига топширилди.

Гузарнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Турсуновлар оиласини шифокорлар сулоласи сифатида ўзига хос хурмат-эҳтиромга эга эканлигини эътироф этди. Оиладаги саккиз фарзанднинг беш нафари шифокор. Улар келгусида тумандошлари учун замонавий тиббий анжуман билан жиҳозланган шифохона қуришни ҳам режалаштиришмоқда. Мазкур гузар ва савдо маркази бир йўла Қирғай ва Тошкент туманлари аҳолисига хизмат қилади.

«Туркистон-пресс»

**Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келиниши»ни тартибга солиш тўғрисида»ги, шунингдек, «Лицензиялаш»ни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорига сотишни тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларининг ижросини таъминлаш юзасидан Фарғона вилотида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Мақсадга эришишда прокуратура, ички ишлар ҳамда божхона ходимлари билан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракат муҳим рол ўйнамоқда.**

Мухбиримиз С.Аъзамова Фарғона вилот Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи билан учрашиб, ана шу йўналишда амалга оширилаётган тадбирлар, эришилаётган натижалар ҳусусида хикоя қилиб беришни сўради.

Юқорида қайд этилган қарорлар моҳиятини кенг ҳалқ оmmasига, тадбиркорларга аtroфлича тушунтириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Бозор таънч пунктлари ва жойлардаги участка инспекторлари томонидан импорт маҳсулотларини сотувчи барча тадбиркорларга эслатмалар тарқатилди. Тузилган чора-тадбирлар режасига асосан вилотдаги чегара ҳудудларида жойлашган Қувасой шаҳри, Бешарик, Риштон, Данғара ҳамда Фарғона туманларидаги айланма ва сўмоқлар орқали ноқонуний, контрабанда йўллари билан турли молларнинг олиб қилиниши олдини олиш мақсадида кундузги ва кечки патрул хизмати ташкил этилди. Рейдлар натижасида шу йўсинда келтирилаётган озиқ-овқат, турли моллар йўли тўсилди. Далилий ашё сифатида олиб қўйилган моддий бойликлар судларнинг қарорига мувофиқ давлат фойдасига мусодара этилиб, сотувдан тушган тушум бюджетга ўтказилди.

Муस्ताқил Ўзбекистонимизда қонун устувор. Қонунга суянмаган, уни ҳурмат қилмаган кимса охири-оқибат қоқилди. Ажаблан-

**ХУФЁНА ИҚТИСОД**

юритаётган ва маблағларни турли йўллار билан айлантираётган кимсалар «фаолияти»га чек қўяйлик

нарлисини шуқи, баъзилар бунини яхши била туриб, нопок ишларга кўл уришади. Сўнг атанг деб, тавба-тазаррулар қилишади. Аммо сўнгги пўшаймон ўзингга душман, деб бежизга айтмайди. Мисолларга мурожаат қилайлик. «Тошкент-Қўқон» йўналишида ҳаракатланиб келаётган «Тико» русумли 15 Л 13-02 давлат рақамли автомобил тўхталиб кўздан кечирилганида, унинг юкхонасида фуқаро Н.Султоновга тегишли бўлган 13 турдаги 1,4 миллион сўмлик дори-дармон божхона ҳужжатларисиз, боз устига, сифатини тасдиқловчи ҳужжатларисиз олиб келинаётганлиги аниқланди. Ҳозирда суриштирув ишлари олиб борилмоқда. Шаҳар бедарвоза эмас, деган иборани кўп ишлатамиз. Бироқ кимлардир тап тортайи хайратомуз ишларга кўл уришмоқда.

«Қосоной пойабзал фабрикаси» акциядорлик жамиятида бугунги кунда 18 хилдаги пойабзал маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхонада 2001 йилда 199 миллион 822 минг сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич 214 миллион 303 минг сўмни ташкил этди. Корхонада барча ўлчамдаги ўғил ва қиз болалар учун кроссовкалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйилганлиги қўшимча 20 та иш ўрини яратди.

«Қосоной текстил» акциядорлик корхонасида саккиз хилдаги сочиклар, болалар курткалари ишлаб чиқарилмоқда. Деда жамият бошқарув раиси Баҳодир Тожатов. - Иш уч сменада ташкил қилиниб, ҳозирда 300 киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил этди. Утган олти ойда 160 миллион сўмлик ҳаёқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Россия, Туркия давлатларидаги ҳамкорлар билан тузилган шартномага кўра, тўрт хилдаги момиқ сочиклар экспорт қилинмоқда.

**Мулкдорлар синфининг истиқболли вакиллари**

**ФЕРМЕР бойиса кўпга нафи тегади**

Ораמידа бағрикенг одамлар кўп. Улар бир тишлан нонини ҳам биров билан баҳам кўриш пайида бўлади. Ўзгалар дардини ўзиникидек қабул қилади. Гулистонлик Эргаш ака Ортиқбоев ана шундай инсонлардан бири. Зеро, у бундан ўн йил муқаддам «Чорвадор» хусусий наслчилик фермасини ташкил этганида, эзгу ишларни дилига маҳкам туғиб қўйганди. Эргаш ака мураккаб соҳа-чорвачиликни оёққа тургазгунча озмунча машаққат чекмади. Чорвага қўл урган молнинг туғиғидан ҳам қаттиқ бўлиши керак, деган нақлни ўз фаолиятида синаб кўрди. 350 бош қорамолни парваришлашнинг ўзи бўлмади, албатта. У нафақат оила-си, балки қўл остида ишлаётган 35 нафар чорвадор учун ҳам қайғурини керт. Шу боис, ойлик маош, мукофотни вақтида тарқатишни одат тусига айлантирган. Бундан

уруш қатнашчиси, афғон ва чернобил ҳалокати иштирокчилари бир пиёла чойга таклиф этилиб, уларга совға улашилди. — Одам одамга ганимат, - дейди тадбиркор. — Топган даромадининг тугунлаб сандиқча боссақ, ҳузурини у кўради. Аммо бундан кимга наф. Шу боис, ҳар доим ошқасинини халққа улашсақ, деган ўйда бўлаемиз. Тадбиркор ихтиёрида 190 гектар ер майдони бор. 80 гектар ерда силос учун маккажўртери экиб, мўл хирмон кўтарди. 30 гектар ерга пахта экилган. 20 гектар майдондаги бугдойдан 50 тоннадан ошқ сара дон йиғиштириб олинди. Чорва қишлоғига пухта хозирлик қўриб қўйилди. Фермада ишлаётганлар учун ишчи-коржомаларига шай холга келтирилди.

Н. ШАМСИЕВ, «Ишонч» мухбири

**Сариосиё, Денов ва Қумқўрғон туманларида бунёд этилаётган болалар спорт мажмуалари тез орада фойдаланишга топширилади.**

**СУРХОНДА ЯНГИ МАЖМУАЛАР**

Сариосиё туманининг Чарагон қишлоғида бунёд этилаётган 1,5 минг ўринли спорт мажмуасида футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, югуриш йўлакчалари, енгил атлетика тренажерлари бўлади. Деновда Эса таниқли фермер Аҳмад Нарзуллаев Амир Темур номидаги ширкат ҳўжалигида ўз ҳисобидан спорт мажмуаси қуримоқда. Қумқўрғон туманидаги «Беш Қаҳрамон» ширкат ҳўжалигида барпо этилаётган мажмуа ҳам ҳадемай болаларнинг севимли жойига айланади. Шунингдек, Ўзбекистон Қаҳрамони И.Файзуллаев бошчилик қилаётган Денов туманидаги Собир Раҳимов номидаги ширкат ҳўжалигида болалар спорт мажмуаси учун ер майдони ажратилиб, лойиҳаси тайёрланди. Қизил туманидаги шундай катта спорт мажмуасини қуришга киришилди. Уни «Сурхонсувқурилиш» трести қурувчилари бунёд этмоқда.

Собиржон РЎЗИМТОВ, «Ишонч» мухбири.

**БМТ КўНГИЛЛИЛАРИ ЁРДАМ БЕРАДИ**

БМТ дастури бўйича глобал кўнгиллилар ташаббуси доирасида амалга оширилаётган Ўзбекистон UNITeS лойиҳаси вазифаларидан бири Ўзбекистонга ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ёрдам бериш ва бу жараёнга ёшларни жалб қилишдан иборат. БМТ ахборот технологиялари хизмати ёки Ўзбекистон UNITeS лойиҳаси 2002 йилнинг майида Тошкентда ташкил этилган эди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишлаш кўникмаларига эга маҳаллий талабалардан тузилган кўнгиллилар гуруҳи нотижорат ташкилотларга компьютер саводхонлиги асосларига ўқитиш, web-саҳифалар, маълумотлар базасини ташкил этиш, шунингдек, компьютер тўпلامларини таъмирлаш каби бегараз ёрдамни таклиф этмоқда.

ЎЗА

**ОРОЛБЎЙИ АҲОЛИСИ САЛОМАТЛИГИНИ КЎЗЛАБ**

Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлаш ишига Каунтерпарт Интернэшнл ташкилоти ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ташкилот «Перзент» маркази билан яқин ҳамкорликда инсон саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларига катта эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда жойларда «Соғлиқни сақлаш қўмиталари» ташкил этилди. Кенг жамоатчилик асосида фаолият юритаётган мазкур қўмиталарга овул фуқаролар йиғинлари расислари раёббарлик қилади. Қўмита таркибида кўча билари, хотин-қизлар қўмиталари расислари, тиббиёт ходимлари, фаол ёш оналар иш юритади. Тахтакўпир туманидаги «Давқора» ширкат ҳўжалигида ташкил этилган ана шундай қўмита ташаббуси билан «Болалар - бизнинг келажимиз» шiori остида ёш оналар ўртасида ўзига хос танлов ўтказилди. Оилада бола тарбияси ва парваришини тўғри йўлга қўйишда ёш оналарга ўғит-насихатлар берилди.

**ТЕЗ ВА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ**

Олтирқ туман марказий шифохонаси лабораторияси Жаҳон банки кредити ҳисобидан замонавий таҳлил ускуналари билан жиҳозланди. Энди бу ерда беморлар қонини биохимик анализаторлар ёрдамида етти хил таҳлилдан ўтказиш мумкин. Эътиборли томони - лабораторияда бир вақтининг ўзида бир неча касаллик бўйича таҳлил ўтказилиб, аниқ ҳулоса берилди. Бу эса тўғри ташхис қўйиш ва даволашда кўп қилади. Илгарилари бундай иш учун кўп вақт ва ҳарajat талаб қилинарди. Бунинг устига, иш сифати ҳам талабга жавоб бермасди. Янги таҳлил ускуналарининг ишга тушиши натижасида бу борадаги муаммолар барҳам топди. Шу пайтгача бир кунда ўттизга яқин тиббий анализ олинган бўлса, энди бу рақам 150 дан ошади.

ЎЗА

**«Ишонч» фoш этади**

Юқорида қайд этилган ҳолатлар юзасидан фирмага жами молиявий жарималар билан бирга 270,6 миллион сўм қўшимча солиқ ҳамда тўловлар ҳисобланди. Инсоф сари барака, деган нақлда чуқур маъно бор. Инсофини унутган, демократия ва тадбиркорларга яратилаётган имконияту имтиёзларни нотўғри тушунаётган, қолаверса, назоратнинг сустигидан фойдаланган баъзи олғирлар қилмиши кишини гоътада ажаблантиради. «Хожибек» хусусий савдо дўконидагилар «Анджон истиқбол» масъулияти чекланган жамияти ва «Шакар инвестмент» қўша корхонаси ҳисоб рақамига катта миқдордаги маблағни қўйиб, ушбу корхоналардан харидориг, тез сотилувчи маҳсулот олганлиги ва шундан олинган маблағнинг 364,3 миллион сўми умуман НКМга кириш қилинганлиги, банкка топширилмаганлигини қандай изохлаш мумкин. Бундай камчиликлар Фарғона шаҳридаги «Ал-Маъид» фирмаси, «Фарғонанефтиқайташ» заводи, «Фарғонанасосстанциялари» бошқармаси, Фарғона шаҳридаги «Бокий мерос» фирмаларида ҳам кузатилади.

Қонун барчага баробар. Уни четлаб ўтишга ҳаракат қилган, қонунга бўйсунмаган кишилар юқоридаги каби ноқулай аҳволга тушадилар, қилмишларига яраша жазоланадилар. Буларнинг ҳаммаси кимлар учундир сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз. С. НИЗОМОВ, Фарғона вилот Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи

ЎЗА

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

**САВОЛ:** бизнинг муассасамиз ҳўжалик ҳисобидан туман дизенфекциялаш станцияси ҳисобланади. Ҳўжалик ҳисобидан бўлганлиги учун ҳодимлар билан меҳнат шартномаси тузишда унинг муддати бўйича бирор чеклашлар борми? Ҳодимлар билан тузилган меҳнат шартномасини ҳар йили қайтадан тузиш шартми?

**Г.ШАРАФУТДИНОВ,**  
Шайхонтоҳур тумани, дизенфекциялаш станцияси бош врач

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 1-моддасига биноан мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар, ташилотларда, шунингдек, айрим фуқаролар ихтиёрида меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлайётган жисмоний шахсларнинг меҳнатга оид муносабатлари меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Шундай экан, муассаса, ҳўжалик ҳисобидан бўлишидан қатъи назар, ҳодимлар билан меҳнат шартномаси тузишда амалдаги меҳнат қонунчилиги ва бошқа қонунлар талабларига амал қилинмоғи зарур. Агар қонун талабларига амал қилинмаган ҳолда меҳнат шартномаси тузилган бўлса, Меҳнат Кодексининг 4,5,6-моддалари талаблари бузилган ҳисобланади. Натижада эса меҳнат шартномаси бекор қилинганда Меҳнат Кодексининг 9 ва 111-моддалари қўлланилган ҳолда ҳодим ўз вазифасига ишга тикланади.

Меҳнат шартномаси тузишда иш берувчи Меҳнат Кодексининг 72-76-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилиши зарур. Меҳнат шартномаси эъза шаклда бир хил кучга эга бўлган камида икки нусхада тузилади ва у иш берувчига ҳамда ишга кирувчи шахсга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномаси ҳодим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан

(унинг аризасига биноан), номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда:

– корхона (муассаса) раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, муассасада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ҳодим билан;

– қонунда кўрсатилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Қонуннинг бу талабига мувофиқ доимий бўш лавозимга муддатли меҳнат шартномаси тузган ҳолда ҳодимни ишга қабул қилиб бўлмайди. Вақтинчалик ишда бўлмаган (таътилда бўлиши, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва уэрли сабабларга қўра) ҳодимнинг ўрнига ишга қабул қилинганда ҳамда ҳодимнинг аризасига мувофиқ ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳоллардагина ҳодим би-

имзоланади ҳамда мансабдор шахснинг имзоси муассаса мурҳи билан тасдиқланади.

Қонунда меҳнат шартномасининг муддати уч хил бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат шартномалари: номуайян муддатга (муддатсиз);

беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;

муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Айрим муассаса раҳбарлари ҳодимларни ишга қабул қилишда ва иш давомида қонунга риоя қилинмаган ҳолда у билан муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Бу иш берувчи учун ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг осон усули ҳисобланади. Яъни, Меҳнат Кодексининг 105-моддаси асосида меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан ҳеч қандай розиликсиз у бекор қилиниши мумкин. Бу қонунга зиддир.

Иш берувчининг барча ҳодимлар билан муддатли меҳнат шартномаси (5 йилгача) тузиши мумкин эмаслиги қонунда белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам Меҳнат Кодексининг 4-Иш берувчиларнинг муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисида» алоҳида қилиб 76-модда киритилган.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги Қонунига асосан муддатли (беш йилгача) меҳнат шартномаси:

– бажарилажак ишнинг ҳусусияти, уни бажариш шартлари ёки ҳодимнинг манфаатларини ҳисобга олганда

## БИЗДАН СўРАГАН ЭДИНИГИЗ



лан беш йилгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси тузилиши мумкин.

Агар бу талаблар иш берувчи томонидан бажарилмаса, ҳодим касбабо уюшма қўмитасига, меҳнат низомидаги кўрувчи комиссияга ёки судга ариза билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

Меҳнат Кодексининг 76-моддасида кўрсатилмаган барча ҳолларда ҳодим билан меҳнат шартномаси номуайян муддатга (муддатсиз) тузилади, унинг муайян бир муддатга ёки ҳар йили янгидан тузилишига йўл қўйилмайди.

**САВОЛ:** ишлайётган I ва II гуруҳ ногиронларига қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз.

**Р.ДўСИМОВ,**  
Гурлан тумани

**ЖАВОБ:** ижтимоий ҳимояга муҳтож ногиронлар давлат томонидан қўшимча қарорлар билан таъминланган. Меҳнат Кодексининг 78-220 моддаларига биноан иш берувчи қонунга мувофиқ меҳнат шартномаси тузиш шарт бўлган шахсларни (белгиланган

## Саволингизга Тошкент вилоят Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаяушма қўмитаси мутахассиси Ҳабиба Асатова жавоб беради

квота ҳисобидан ишга юборилган ногиронларни) ишга қабул қилишига фойдаланиши равишида рад этолмайди.

Ишлайётган I ва II гуруҳ ногиронларига Меҳнат Кодексининг 116- ва 220-моддасининг учинчи қисмига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соати ошмайди қисқартirilган муддати белгиланади.

Агар иш берувчи ТМЭК ҳулосаси бўлишига қарамай, қонун ҳужжатлари талабларини бажармаса ва мазкур ҳодимга иш вақтининг аввалги режимда ишлайверишига йўл қўйилса (айтайлик, ногирон шахс ўз меҳнат ҳуқуқларини билмаслиги оқибатида), ҳодимга ногиронлик белгиланганлиги иш берувчига маълум қилинган кундан эътиборан ҳодимнинг ҳафтасига 36-соатдан ошмиқ ишлаган муддати иш вақтидан ташқари иш ҳисобланади. Бундай ҳолларда ҳодимнинг иш вақтидан ташқари бажарган ишига оширилган (камида икки ҳисса миқдорда) ҳақ тўлаш ҳамда унга шу вақтининг қисқартirilган муддати жорий этилиши лозим бўлади.

Уларга ҳам бошқа ҳодимлари учун бўлганидек икки кун олинмаган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинмаган олти кунлик иш ҳафтаси белгиланади.

Мавжуд қонунчилигимизга биноан уларнинг ҳар кунги иш муддати олти кунлик иш ҳафтасида етти соатдан ва беш кунлик иш ҳафтасида саккиз соатдан ортиб кетмас-

лиги керак. Шунингдек, ТМЭК томонидан ногиронларга (ногиронлик гуруҳидан қатъи назар) тўлиқсиз иш вақти режимини ўрнатиш, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнати билан боғлиқ бошқа шартлар ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. Ишлайётган I ва II гуруҳ ногиронлари бепул тиббий кўриқдан ўтказилади.

Уларга нисбатан иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни жорий этишга, шунингдек, (ногиронлик гуруҳидан қатъи назар), тунги вақтда, иш вақтидан ташқари ва дам олиш кунлари ишлаган жалб этиш уларнинг розилиғи билан ҳамда тиббий тавсияларда таъқиқланмаган бўлса йўл қўйилади. Бундай ҳолларда иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорда ҳақ тўланади ёки ҳодимнинг хоҳишига қўра бошқа дам олиш кунини бериш билан қопланиши ҳам мумкин.

Тунги вақтдаги соат 22дан то бгача бўлган вақт - тунги вақт ҳисобланади. Ишнинг ҳар бир соати учун камида бир ярим баробар миқдорда ҳақ тўланади. Бу ҳақ тариф ставкаларига (яъни мансаб маошларига) қўшилмайди. Тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдори жаммо шартномасида белгиланади.

Ишлайётган I ёки II гуруҳ ногиронларига уларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатини ҳисобга олиб, йиллик узайтирилган асосий таътил - ўттиз календар кунини қилиб белгиланган. Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда,

меҳнат шартномасининг шартларида назарда тутилган ҳолларда ҳам берилади.


Ишлайётган I ёки II гуруҳ ногиронларига уларнинг хоҳиши бўйича олти ой ўтмасдан ёки улар учун қулай бўлган бошқа вақтда берилиши лозим.

Уларнинг аризасига биноан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Унинг муддати ҳар йили ўн тўрт календар кундан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишловчи ногиронларга пенсияларини иш жойида тўлаш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ тасдиқланган тартибга қўра 1996 йил 1 январдан бошлаб, I ва II гуруҳ ногиронларига 100 фоиз миқдорда пенсия иш жойидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 7 мартдаги «2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой хизматлари тўловлари ўрнига компенсация учун пул тўловлари жорий этиш тўғрисида»ги Фармонига асосан I ёки II гуруҳ ногиронларига уй-жой тўловлари учун энг кам ойлик миқдорининг 45 фоизи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 59-моддаси 2-бандига мувофиқ 1998 йил 1 январдан амалга киритилган ишлайётган I ёки II гуруҳ ногиронлари ҳар бир тўлиқ ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баробари миқдорда даромадга солинадиган солиқдан озод қилинади.



Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсати ҳамда Америка юристлар уюшмаси ҳамкорлигида адвокатлар ҳимоя ҳуқуқини янада мустаҳкамлаш, соҳа вакилларининг билим ва маҳоратини ошириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Адвокатура фуқаролик

## ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ - ДАХЛСИЗ

жамиятининг муҳим институтларидан бири сифатида суд-ҳуқуқ тизимида асосий ўрин тутаяди. Мамлакатимизда мазкур тизим тубдан ислоҳ қилиниб, унинг мустақиллигини таъминлаш ва адвокатлар ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди. Давлат органлари томонидан адвокатура идораларининг ички ишларига аралашува чек қўйилиб, ҳимоя ҳуқуқининг дахлсизлиги таъминланди. Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминлайдиган лицензиялар бериш учун маъмул имтиҳонларини қабул қилиш бевоқиф адвокатларнинг тенг иштироки билан амалга оширилмоқда.

Эндиликда юртимизда фаолият юритаётган ҳар бир адвокат ўз ҳуқуқларидан фойдаланиб, фуқароларга ҳуқуқий жиҳатдан таянч бўлишда фидойилик кўрсатиши зарур. Анжуманда иштирок этган соҳанинг ёш вакилларига борада нималарга эътибор бериш лозимлиги юзасидан тавсия ва маслаҳатлар берилди.



## ШЕРИКЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон-Эроннинг иккита қўшма лойиҳаси тақдироти бўлиб ўтди.

Ургут шаҳрида гилам ва палослар ишлаб чиқарадиган «SAM NEGIN» қўшма корхонаси очилди. Бу ерлик гиламдўзлар азал-азалдан ўзларининг бежирим гиламлари билан машҳур. Эронликлар гилам тўқувчиларни замонавий ускуналар ва сифатли хомашё билан таъминлайди.

Шунингдек, Самарқандда «Панжоб тиббий маркази» қўшма корхонаси иш бошлади. Алоҳида замонавий даволаш ускуналарига эга бўлган шифохона ўз хизматларини тақдироти. Марказда ўн беш нафар самарқандлик ва эронлик шифокорлар хизмат кўрсатади. Қариялар ва кам таъминланган миждозлар бепул даволанади.

## МАКТАБ ҲОМИЙЛАРИ

Тахياتош шаҳрида мактабларни янги ўқув йилига тайёрлашда ҳомий ташиқлотларнинг кўмаги катта бўлмоқда. Шаҳардаги йирик ишлаб чиқариш корхоналари - «Тахياتош» акционерлик жамияти, махсус йўл-кўприк қурилиши бошқармаси, темир-бетон заводи кўмаги билан мактаблар чирой очди.

Хусусан, Тахياتош ГРЭСи жамоасининг кўрсатаётган оталик ёрдами тўғрисида 1-ўрта мактаб тўла таъмирдан чиқарилди. Ҳомийлар химмати боис, болалар янги ўқув йилида янги парталарда ўтиради.

«Туркистон-пресс», (ЎЗА)



Ўрта Чирчиқ туманидаги «Хунарманда» кичик корхонаси махсуслотлари ўзининг сифати ва бежиримлиги билан ажралиб туради. Бу ерда 40 турдаги зардўзлик ва кийим-кечак махсуслотлари тайёрланмоқда. Айни пайтда корхона махсуслотларига талаб ошиб, буюртмачилар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Суратда: кичик корхона раҳбари Б.Нуриллаева чевар тивувчи билан

## РЕСПУБЛИКА КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2003 йил 14, 21, 28 август кунлари соат 11.00 да Республика Биржа маркази биносидан такрорий ўтказиладиган аукцион савдоларига Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимига кирувчи «Ўзсувметалл» республика ишлаб чиқариш, сотиш бирлашмасининг қуйидаги мол-мулкларни қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Ўразбоев кўчаси, 1 "а" уй манзилдаги тузилмаси.  
**Бошланғич баҳоси—81803,0 минг сўм.**
2. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, «ТТЗ» мавзесидagi магазин.  
**Бошланғич баҳоси—4177,2 минг сўм.**
3. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ирригатор мавзесида жойлашган «Электр ҳўжалик моллари» магазинининг ертўла (подвал) хоналари.  
**Бошланғич баҳоси—76245,7 минг сўм.**
4. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ирригатор мавзесида жойлашган «Электр ҳўжалик моллари» магазини.  
**Бошланғич баҳоси—144 440,9 минг сўм.**
5. Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, «Магазин-Мавзук» кўчасида жойлашган «Тошкент» базаси.  
**Бошланғич баҳоси—13308,3 минг сўм.**
6. Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ирригатор мавзесидаги механик устaxonалари.  
**Бошланғич баҳоси—23275,2 минг сўм.**
7. Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги, «Чирокчи» тузилмаси.  
**Бошланғич баҳоси—16733,5 минг сўм.**
8. Қашқадарё вилояти, Чирокчи туманидаги, «Чирокчи» қишлоғидаги қурилиши тугалланмаган объект.  
**Бошланғич баҳоси—1689,6 минг сўм.**
9. КАМАЗ-5410 русумли, давлат рақами 76 83 ТНН, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—3 136 320 сўм.**
10. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 31 41 ТНД, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—6 215 000 сўм.**
11. ВАЗ-21074 русумли, давлат рақами 75 46 ТНД, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—3 910 000 сўм.**
12. ГАЗ-5201 русумли, давлат рақами 97 29 ТНН, 1990 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—2 205 792 сўм.**
13. М-2140 русумли, давлат рақами 56 22 ТНБ, 1975 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—313 891 сўм.**
14. МАЗ-5337 русумли, давлат рақами 71 53 ТНН, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—3 262 291 сўм.**
15. ОДАЗ-9370 русумли, давлат рақами 56 77 ТН, 1989 йилда ишлаб чиқарилган ярим тиркачи.  
**Бошланғич баҳоси—2 469 232 сўм.**
16. ГАЗ-3102 русумли, давлат рақами 10 АР 280, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—6 144 000 сўм.**
17. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 25 77 ТНС, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—7 684 000 сўм.**
18. АЗЛК-2141 русумли, давлат рақами 23 65 ТНС, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—721 354 сўм.**
19. ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 10 АЕ 872, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—229 392 сўм.**
20. КАМАЗ-532020 русумли, давлат рақами 10 АР 179, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—8 050 648 сўм.**
21. МАЗ-5551 русумли, давлат рақами 10 АС 502, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—10 077 696 сўм.**

ми 75 46 ТНД, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

2. ВАЗ-21065 русумли, давлат рақами 11 Е 23 51, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—1 697 000 сўм.**
3. ВАЗ-2101 русумли, давлат рақами 10 Г 50 58, 1975 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—596 000 сўм.**
4. ДЭУ-Пакер русумли, давлат рақами М 64 04 33, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—2 605 000 сўм.**
5. ВАЗ-21063 русумли, давлат рақами, 14 А 24 56, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—492 000 сўм.**
6. ДЭУ Нексия русумли, давлат рақами 10 Z 93 22, 2001 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—2 743 000 сўм.**

тотранспорт воситаси.

7. ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 25 77 ТНС, 1993 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—7 684 000 сўм.**
18. АЗЛК-2141 русумли, давлат рақами 23 65 ТНС, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—721 354 сўм.**
19. ИЖ-2715 русумли, давлат рақами 10 АЕ 872, 1989 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—229 392 сўм.**
20. КАМАЗ-532020 русумли, давлат рақами 10 АР 179, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—8 050 648 сўм.**
21. МАЗ-5551 русумли, давлат рақами 10 АС 502, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.  
**Бошланғич баҳоси—10 077 696 сўм.**

Шунингдек, 2003 йил 7, 14, 21, 28 август кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига эркин муомаладаги валютага Сурхондарё вилоятидан:

бошланғич баҳоси 14 138,2 АҚШ долларидан 816 507 АҚШ долларигача бўлган, Музрабод тумани, «Оқ олтин» қишлоғидаги 28-сонли АЕКМ, Узун тумани, Янгиент қишлоғидаги 24-сонли АЕКШ, Денов тумани, К. Каримов қишлоғидаги 23-сонли КАЕКШ, Бойсун тумани, Ҳаза қишлоғидаги 21-сонли АЕКШ, Термиз шаҳридаги 18-сонли АЕКШ қўйилган.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Ижтимоий ҳимоя учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закатат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади

Ушбу объектларга қизиқиши бор барча юридик ва жисмоний шахслар, ишбилармон юрtdошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 8, 44 хоналар, Республика Кўчмас мулк биржаси.  
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75.  
Факс: 136-06-17 www.uzrmb.com  
Лицензия рақами: 000004

